

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро шаҳар “Наврўз” МФЙ биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи М.Бобоев, Б.Саидов ва Ш.Норбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Рахимов, судланувчи У.Убайдуллаев ва жабрланувчи И.Атаевнинг иштирокида, судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичга оид 1-2001-2305/760-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Убайдуллаев Улуғбек Сулейманович /Ubaydullayev Ulug'bek Suleymanovich/ - 1979 йил 27 июнь куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) Тўқимачилик туман судининг 2001 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 188-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 189-моддасининг 3-қисми, 205-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 209-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 1 йил муддатга муайян мансаб вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармоннинг 2-моддасига асосан жазодан озод қилинган;

2) Жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2004 йил 13 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми ва 228-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдориди, яъни 1.088.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

3) Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2006 йил 24 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 45,59,62-моддаларига асосан 2 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил



11 ой 21 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2006 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45,61-моддаларига асосан 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида, яъни 5.400.000 сўм жарима жазоси тайинланган, мазкур суднинг 2007 йил 5 апрелдаги ажримига асосан жарима жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

5) Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 5 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

6) Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2015 йил 29 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 177-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми, 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 167-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари, 28,25,211-моддасининг 1-қисми, 192⁹-моддасининг 1-қисми, 211-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 45,59,61-моддаларига асосан 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 4 майдаги ажримига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 23 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 11 декабрдаги ажримига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, ЯТМФ билан шуғулланади, 2-гуруҳ ногирони, Бухоро шаҳар “Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғини, “Шейхон” кўчаси 106-уйда



яшайди, 2023 йил 24 ноябрь куни эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 29 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида мавжуд бўлган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулейманович 2023 йил 27 октябрь куни тахминан соат 19:00 ларда Бухоро шаҳар Шайх-ул Олам МФЙ, Фатхобот кўчаси 36-уйда жойлашган “Камрон” савдо дўкони олдида Атаев Илҳом Хусенович билан ўрталарида узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган ўзаро келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб, жанжал вақтида қўлининг мушти билан И.Атаевнинг кўз ва юз соҳасига қасддан уриб, И.Атаевга Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2023 йил 13 ноябрдаги 2136-Т-сонли хулосаси кўра, бош мия чайқалиши билан давом этган юз соҳасидаги қонталашлар ва чап ёноқ соҳасида юзаки яра кўринишидаги жароҳатлар каби таснифланишига кўра, олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабабчи бўлган, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятини содир қилган.

Судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулейманович суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, И.Атаевни тахминан 2023 йил июль ойидан буён танишини, 2023 йил август ойи бошларида оғзаки келишув асосида Бухоро шаҳар Фатхобот кўчаси 6-уй, яъни “Камрон” савдо дўкони остида жойлашган ер тўлани И.Атаев ва унинг турмуш ўртоғи Н.Саидовага ойига 150 АҚШ долларидан келишиб ижарага берганлигини, ер тўлада ўша пайтларда унга тегишли ҳеч нарса бўлмаганлигини, кейинчалик И.Атаев иш фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиши учун, у И.Атаевга пишириқ печи, хамир қорғич, гўшт ўтказгич, битта витрина ферри музлаткичи ва бошқа нарсаларни ўз ҳисобидан сотиб олиб берганлигини, тахминан 15 августдан сўнг И.Атаев ўз иш фаолиятини бошлаганлигини, 2023 йил 25 сентябрь куни у ер тўлага келиб, И.Атаевга “калитни бер, ишламасанг чиқиб кет, кўзимга кўринма” деб айтганлигини, ўша пайтда цехда И.Атаевнинг турмуш ўртоғи ҳам бўлганлигини, шунда улар унга “биз калитни бермаймиз, ҳали ишлаймиз, ахир биз бу ерни ижарага олганмиз” деб айтганликларини, шундан кейин у улар билан оғзаки тортишганлигини, сўнг у И.Атаевга ижарага берган ер тўланинг ҳақиқий эгаси “Завқиддин” уларнинг овозини эшитиб, уларнинг олдига келганлигини, шунда у “Завқиддин”га “бу эр-хотинларга ўзим ижарага берган ер тўладан чиқиб кетишини айтдим, лекин улар чиқиб кетмоқчи



эмас” деб айтганлигини, “Завқиддин” уни ер тўладан чиқартириб, И.Атаев ва унинг турмуш ўртоғи билан ўзаро гаплашиб олганлигини, сўнг “Завқиддин” уни И.Атаевнинг олдига чақиртирганлигини, шунда улар ўзаро келишиб олганликларини, яъни “Завқиддин” унга И.Атаев ер тўладан 2023 йил 22 октябрь куни чиқиб кетиши билдирганлигини, сўнг 2023 йил 22 октябрь куни у И.Атаевга қўнғироқ қилиб, ер тўланинг калитини сўраганлигини, шунда И.Атаев бундан норози бўлганлигини, сўнг И.Атаев калитни алмаштирганлигини билганлигини, тахминан 2023 йил 27 октябрь куни у Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 2-сон ИИБ инспектори олдига бориб “ҳозир ер тўлани мендан ижарага олган И.Атаев келдади, илтимос менга калитни олиб беришда ёрдам берининг” деб айтиб, “Камрон” савдо дўкони олдига келиб, И.Атаевдан ер тўланинг калитини сўраганлигини, И.Атаев унга калит ўзида эмаслигини, калит турмуш ўртоғида эканлигини айтганлигини, у бунга ишонмай И.Атаевга “нега ўртага аёлларни қўшасан, мен сенга калитни ўзим берганман” деб жаҳл қилганлигини, шунда И.Атаев уни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлиги учун, у И.Атаевни қўлининг мушти билан бир марта юз соҳасига зарба бериб, жароҳат етказганлигини, сўнг И.Атаевнинг турмуш ўртоғи Н.Саидова унга жаҳл қилиб, уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, оёқлари билан тепганлигини, бундан уни жаҳли чиқиб “нима қилсанг қил” деб Н.Саидовани ҳақорат қилганлигини, шунда уларни ИИБ ходимлари ажратганлигини, жанжал вақтида атрофда ҳеч ким бўлмаганлигини, жанжал натижасида бошқа фуқароларнинг тинчлиги бузилмаганлигини, жанжал натижасида унга тан жароҳати етказилганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулейманович айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, унинг айби, қуйидаги инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан;

жумладан, суд мажлисида сўралган жабрланувчи Атаев Илҳом Хусенович, терговдаги кўрсатувини тасдиқлашини, У.Убайдуллаевни тахминан 2023 йил июль ойидан буён танишини, У.Убайдуллаев билан келишиб, Бухоро шаҳрида жойлашган “Камрон” савдо дўкони остидаги ер тўлани ойлик тўлов нархини 150 АҚШ долларига келишиб, ижарага олганлигини, сўнг у мазкур ер тўлада тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлигини, шунда у У.Убайдуллаев билан оғзаки келишувларига асосан мазкур ер тўлага 750 АҚШ сарфлаганлигини, аммо У.Убайдуллаев келишув шартларини бузиб, унга ер тўлани бўшатишни айтганлигини, шунда ўзаро келишмовчиликлар ҳал бўлмаганлиги сабабли, у ер тўланинг калитини алмаштирганлигини, шундан сўнг 2023 йил 27 октябрь куни у У.Убайдуллаевга қўнғироқ қилиб, ижара масаласи ва пул масаласини ҳал қилиш учун чақирганлигини, сўнг У.Убайдуллаев билан “Камрон” савдо дўкони олдида кўришганлигини, шунда



У.Убайдуллаев унга дўг пўписа қилибножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, кўлининг мушти билан бир мартаба урганлигини, бу зарбани у кутилмаганда қабул қилганлиги сабабли, кўз олди қоронғилашганлигини, ўша пайтда атрофда бошқа фуқаролар бўлмаганлигини, сўнг у “102” рақамига кўнғироқ қилганлигини, кейин ИИБ ходимлари келиб, ҳолат бўйича ҳужжатларни расмийлаштирганликларини, У.Убайдуллаев билан ярашиш нияти йўқлигини билдириб, У.Убайдуллаевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Саидова Насиба Абдурасуловна, терговда берган кўрсатувини тасдиқлашини, И.Атаев турмуш ўртоғи эканлигини, У.Убайдуллаевни тахминан 2023 йил июль ойидан буён танишини, турмуш ўртоғи И.Атаев билан бирга У.Убайдуллаевдан Бухоро шаҳрида жойлашган “Камрон” савдо дўкони остидаги ер тўлани ойлик тўлов нархини 150 АҚШ доллари эвазига ижарага олганликларини, сўнг улар мазкур ер тўлада тадбиркорлик фаолиятларини бошлаганликларини, шунда улар У.Убайдуллаев билан оғзаки келишувларига асосан мазкур ер тўлага 750 АҚШ сарфлаганликларини, аммо У.Убайдуллаев келишув шартларини бузиб, уларга ер тўлани бўшатишни айтганлигини, шунда ўзаро келишмовчиликлар ҳал бўлмаганлиги сабабли, улар ер тўланинг калитини алмаштирганликларини, шундан сўнг 2023 йил 27 октябрь куни турмуш ўртоғи И.Атаев У.Убайдуллаев билан ижара масаласи ва пул масаласини ҳал қилиш учун “Камрон” савдо дўкони олдида кўришганликларини, у бу вақтда яшаш уйида бўлганлигини, сўнг турмуш ўртоғи унга кўнғироқ қилиб У.Убайдуллаев уни урганлигини билдирганлигини, шунда у дарҳол воқеа жойига етиб келганлигини, келганида у ерда ИИБ ходими бўлиб ўтган ҳолат бўйича ҳужжат расмийлаштираётган бўлганлигини, турмуш ўртоғининг кўзи кўкарган, кўз атрофларидан қон оқаётган аҳволда бўлганлигини, шунда бундан унинг жаҳли чиқиб, У.Убайдуллаевни ҳақорат қилганлигини, У.Убайдуллаев ҳам уни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, У.Убайдуллаев уни урмоқчи бўлганида ИИБ ходимлари уларни ажратганлигини, У.Убайдуллаев уни урмаганлигини, У.Убайдуллаев унинг турмуш ўртоғини урганлигини кўрмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуи, яъни 2023 йил 28 октябрдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2023 йил 10 ноябрдаги 2136-Т-сонли суд-тиббий экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.



Суд, судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичнинг жиноий ҳаракатлари суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичнинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичнинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичга жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини ва қонуний чора кўриш ҳақидаги талабини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Убайдуллаев Улуғбек Сулейманович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан 1 (бир) йил муддатга сутканинг 22:00дан соат 07:00гача яшаш жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар “Шейхон” кўчаси 106-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Убайдуллаев Улуғбек Сулеймановичга зиммасига қуйидаги тақиқ /чеклаш/лар юклатилсин:

-Бухоро шаҳар ИИО ФМБ ЖХХ Пробация бўлинмасининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;



-ресторан, кафе, клуб, парк ва бошқа кўнгил очиш жойларига бормаслик;

-яшаш хонадонидан ташқари тўй ва туғилган кунларда иштирок этмаслик;

-Бухоро вилоят худудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Бухоро шаҳар ИИО ФМБ ЖХХ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи

/имзо/

М.Бобоев

М.Бобоев

